

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**2 СОН, 1 ЖИЛД**

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
**НОМЕР 2, ВЫПУСК 1**

**LAWYER HERALD**  
**VOLUME 2, ISSUE 1**



**TOSHKENT-2022**

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8

**2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16

**3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

**4. ОКЮЛОВ Омонбой**

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30

**5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Соҳибжонович**

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36

**6. ACHILOVA Liliya Ilxomovna**

VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43

**7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50

**8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**

ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55

**9. АБРОРОВА Камола Саидмухторовна**

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

**10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**

ИИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79

**12. ВОХИДОВ Махкам Мубинович**

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

---

<b>13. ИСПЛОМОВ Бунёд Очилович</b> ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) .....	92
<b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....	99

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович</b> ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	107
<b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b> СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ .....	114

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	119
<b>18. USMANOVA Surayyo</b> YEVRONA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TAHLILI .....	126
<b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b> ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ .....	131
<b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b> ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ .....	135
<b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ .....	141
<b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	149
<b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b> ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	154
<b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шоҳруҳ Олимович</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИЙСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС .....	161

### ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

<b>25. NAITO Shintaro</b> OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN–FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS .....	169
<b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА .....	184
<b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b> ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА .....	190

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович  
Тошкент давлат юридик университети  
Криминалистика ва суд экспертизаси кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

## ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** Абдуллаев Р.К. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 107-113.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-15>

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти бўйича криминалистик ишлар натижаларини қайд этиш тартибини такомиллаштиришга ҳаракат қилинганд. Шу мақсадда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш масалалари ўрганилган. Мавзу бўйича ҳуқуқшунос-олимларнинг илмий фикрлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиётининг таҳлиллари натижаларига асосланиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизими ишлаб чиқилган. Илмий изланишлар натижасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизими икки хил – миқдорий ва сифат кўрсатгичларидан иборат бўлиши ва ҳар икки кўрсаткичларнинг таркиби қисмлари мажмуи таклиф қилинганд. Шунингдек, юқоридаги мезонларнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, криминалистик таъминот, криминалистик ишлар натижалари, криминалистик восита ва методлар, натижавийлик, мақбуллик (оптималлик), криминалистик таъминот самарадорлиги, самарадорликни баҳолаш, самарадорликни баҳолаш мезонлари тизими, миқдорий ва сифат кўрсатгичлар, миқдорий кўрсаткичлар мажмуи, криминалистик таъминотини сифат жиҳатдан баҳолаш, сифат кўрсаткичлари мажмуи, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни криминалистик таъминотининг мезонлари тизими, уч вариантли баҳолаш усули, бошқарувнинг самарадор воситаси.

АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович

Преподаватель кафедры Криминалистики и судебной экспертизы  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

## КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОСМОТРА МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье была предпринята попытка усовершенствовать процедуру фиксации результатов криминалистической работы по криминалистическому обеспечению осмотра места происшествия. С этой целью были изучены вопросы разработки критериев оценки эффективности криминалистического обеспечения осмотра места происшествия. На основе научных мнений учёных-юристов по теме, результатов анализа практики правоохранительных органов была разработана система критериев оценки эффективности криминалистического обеспечения осмотра места происшествия. В результате проведенного научного исследования была предложена указанная система критериев оценки, состоящая из двух видов – количественных и качественных показателей и набора составляющих обоих показателей. При этом подчеркнута важность вышеуказанных критериев.

**Ключевые слова:** осмотр места происшествия, криминалистическое обеспечение, результаты криминалистических работ, технико-криминалистические средства и методы, результативность, оптимальность, эффективность криминалистического обеспечения, оценка эффективности, система критериев оценки эффективности, количественные и качественные показатели, комплекс количественных показателей, качественная оценка криминалистического обеспечения, комплекс качественных показателей, система критериев криминалистического обеспечения осмотра места происшествия, метод трехвариантной оценки, эффективное средство управления.

ABDULLAYEV Rustam

Lecturer of Department of Criminalistics and Forensic Investigation  
of Tashkent State University of Law  
E-mail: r.abdullayev@tsul.uz

## CRITERIA FOR EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF FORENSIC SUPPORT FOR THE INSPECTION OF THE SCENE

### ANNOTATION

The article attempted to improve the procedure for recording the results of forensic work on the forensic support of the inspection of the scene of the incident. To this end, the issues of developing criteria for evaluating the effectiveness of forensic support for the inspection of the scene were studied. Based on the scientific opinions of legal scientists on this topic, the results of the analysis of the practice of law enforcement agencies, a system of criteria for evaluating the effectiveness of forensic support for the inspection of the scene was developed. As a result of the conducted scientific research, a system of criteria for evaluating the effectiveness of forensic support for the inspection of the scene was proposed, consisting of two types - quantitative and qualitative indicators and a set of components of both indicators. The importance of the above criteria is also emphasized.

**Keywords:** inspection of the scene of the incident, forensic support, results of forensic work, technical and forensic tools and methods, effectiveness, optimality, effectiveness of forensic support, efficiency assessment, system of criteria for evaluating effectiveness, quantitative and qualitative indicators, a set of quantitative indicators, qualitative assessment of forensic support, a set of qualitative indicators, a system of criteria for criminalistic support of inspection of the scene, a method of three-variant evaluation, an effective management tool.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишига асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим” [1] деб белгиланган. Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти субъектларининг бу тергов ҳаракатини ўтказишда техник-криминалистик восита ва тактик-криминалистик усууллардан фойдаланиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартибга солинмаган. Бу каби баҳолашнинг мезонлари йўқ. Ушбу фаолиятни баҳоламасдан туриб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида қўлланиладиган техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологиялар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қанчалик оқилона эканлигини, уларни қўллаш натижавийлиги ва кўриб чиқилаётган фаолият мақсадларига эришиш самарадорлиги қай даражада эканлиги бўйича фикр юритиш мумкин эмас.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотининг баҳолаш-назорат қилиш мақсадларига, бу тергов ҳаракатини ўтказишда техник-криминалистик восита ва тактик-криминалистик усууллардан фойдаланиш самарадорлигини – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган жиноят излари ва кўрилаётган ҳодиса учун аҳамиятга эга бўлган бошқа моддий обьектларнинг тўлиқлиги, ўз вақтидалиги, ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш ва назорат қилиш киради.

Ушбу мақсадларга қуйидаги фаолият бўйича икки таркибдаги вазифаларни ҳал қилиш орқали эришилади:

биринчидан, техник-криминалистик восита ва тактик-криминалистик усууллардан фойдаланиш натижавийлиги ва аниқ бир ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш бўйича;

иккинчидан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда олинган жиноят излари ва бошқа обьектларни аниқлаш, қайд этиш, олиш ва тадқиқотларини ўз вақтидалиги, ишончлилиги ва тўлиқлигини таҳлил ҳамда назорат қилиш бўйича.

Юқорида таъкидланганлар ушбу фаолият самарадорлигини холисона ва ўз вақтида баҳолаш имконини берувчи илмий қоидаларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Баъзи криминалист олимлар “самарадорлик” тушунчасини мақсад фояси билан боғлайдилар ва “олдиндан режалаштирилган қуйидаги мақсадга эришилган: ашёвий далиллар аниқланган, яъни умумий ва хусусий тусмолларни илгари суриш учун дастлабки маълумотлар топилган, жиноятчилар, ўғирланган нарсалар ва жабрланувчиларни қидириш, гувоҳларни аниқлаш учун керакли маълумотлар олинган ҳодиса жойини кўздан кечиришни самарали дея тан олиш керак” [2, Б.187] деб ҳисоблашади. Т.Б. Маматкулов ва бошқалар “ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг натижали бўлиши унга пухта тайёргарлик кўришдир” [3, Б.69] деб ёзадилар. А.Б. Соловьев эса тергов ҳаракатларининг самарадорлиги деганда терговчининг ўз хатти-ҳаракатлари учун мақбул ташкил этилган фаолиятини тушунади [4, Б.8].

Бошқа муаллифлар самарадорликни амалга ошириладиган ҳаракатларнинг натижалари билан боғлайдилар. Масалан, В.Я. Карловнинг фикрича, “жиноятларни тергов қилишда техник-криминалистик воситалар ва методлардан фойдаланиш самарадорлиги кутилган натижани қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ бўлишини назарда тутади” [5, Б.75]. Шубҳасиз, “самарадорлик” тушунчасига иккинчи ёндашув уни “натижавийлик” тушунчаси билан солиштириш лозимлигини келтириб чиқаради, бу эса унчалик тўғри эмас, чунки Г.И. Грамовичнинг фикрича, ўрганилаётган фаолиятнинг натижадорлиги самарадорлик даражасини белгилайдиган муҳим элементdir [6, Б.62-63].

А.Н. Москалёнконинг “жиноятларни “иссиқ излар” бўйича тергов қилишнинг техник-

криминалистик таъминоти самарадорлиги деганда – криминалистик-техник воситалар ва методларни қўллаб жиноятчиниқисқа муддатларда қидириш учун максимал даражада мумкин ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва фойдаланишдан иборат” [7, Б.51] деган фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Самарадорликнинг тезкорлиги нуқтаи назаридан билдирилган бу фикр ҳодиса жойини кўздан кечиришда техник-криминалистик воситалардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Шунингдек, В.А. Волынскийнинг “самарадорликни фақат натижа билан баҳолаш нотўғри, чунки кўпинча натижа тизимининг ишлаши керак бўлган ташқи шароитларга боғлиқ бўлади” [8, Б.248] фикрлари тўғридир. Бир қатор криминалист-олимларнинг “самарадорлик даражаси қўйилган мақсадлар ва эришилган натижалар нисбати билан аниқланганда, самарадорлик – мақсадларга эришиш даражасидир” [6, Б.62-63; 9, Б.14] деган фикр ҳам қизиқиш уйғотади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотининг якуний мақсади – бу тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида, келгусида жиноятларни тергов қилишда фойдаланиш мақсадида, криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни самарали олиш, тўплаш, баҳолаш, қайта ишлашга эришишдир. Шу сабабли фикримизча:

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлиги – унинг олинган натижаларни жиноятни тезкор тергов қилишда фойдаланиш самарадорлиги ва даражаси каби асосий элементларида ифодаланган мақсадига амалда эришиш даражасидир.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини натижавийлиги – бу тергов ҳаракатини техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологияларни қўллашда жиноят излари ва бошқа объектларни аниқлаш, қайд этиш ва олишни, шунингдек, дастлабки) криминалистик аҳамиятга эга бўлган ахборотларни олиш мақсадида уларнинг тезкор тадқиқотларини таъминлаш лозимлигини билдиради.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда олинган натижалардан жиноятларни тезкор қилишда фойдаланиш даражаси ҳодиса жойини кўздан кечиришда техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологияларни қўллаш натижасида олиган криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг жиноятларни тергов қилиш, шу жумладан жиноятларни “иссиқ излар”дан тергов қилишдаги ҳиссасини кўрсатади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлиги ҳақида фикр юритиш учун ушбу фаолиятни баҳолашнинг муайян мезонларини танлаш керак. Мезон деганда ўрганилаётган ҳодиса, ҳаракат, хусусият, хосса, ҳолатни баҳолаш асоси бўлган белги тушунилади, яъни белги асосида ўрганилаётган ҳодиса, ҳаракат, хусусият, хосса, ҳолат кабилар баҳоланади [6, Б.65; 9, Б.7]. “Мезон – таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза” [10, Б.578].

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти вазифалари ҳамда техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологияларни қўллаш шаклларининг хилма-хиллиги, шунингдек, бажариладиган ишларнинг ҳам хилма-хиллиги бу таъминот самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизимининг мавжуд бўлишини назарда тутади. Бундай мезонлар тизимини ишлаб чиқишида, улар жавоб бериши лозим бўлган муайян талабларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мезонлар фаолияти баҳоланадиган орган ва шахснинг вазифалари ва функцияларига мос келиши, таққосланадиган, келишилган ва зиддиятсиз бўлиши, осон қўлланадиган бўлиши, мақсадга эришишга ёрдам бериши, “фаолиятни миқдорий ва сифат жиҳатдан етарлича тавсифлаши, самарадорликни холисона, тўлиқ ва ҳар томонлама баҳолаш имконини бериши керак” [6, Б.66].

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб тергов ва экспертиза бўлинмалари фаолияти бўйича криминалистик ишлар натижалари ва давлат статистик ҳисботи шаклларини қайд этиш тартибини такомиллаштиришга бир қатор уринишлар бўлган. Бунда, “жиноятларни тергов қилиш фаолиятининг якуний мақсадлари, бу мақсадлар учун криминалистик восита ва методлардан фойдаланиш натижаларини ҳужжатлар ва статистик ҳисботларда акс

эттирилиши асосланган ҳолда ҳисобга олиш” [8, Б.250] жуда ўринли эди.

Баъзи муаллифлар тергов ҳаракатлари самарадорлигини мезонлари сифатида натижавийлик ва мақбулликни (оптималлик) таклиф қиладилар, бунда натижавийлик дейилганда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун зарур ахборотларни олиш ҳамда оптималлик (мақбуллик) деганда эса – бу тергов ҳаракатини ўтказишнинг одил судлов мақсадлари ва вазифаларига энг яхши мос келадиган тартиби тушунилади [2, Б.187-188].

Юқорида келтирилган фикрларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижаларидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқишида ҳисобга олинди. В.А. Волынскийнинг фикрича, техник-криминалистик таъминот натижавийлигини баҳолаш нафақат статистик ҳисботларда расмий равишда қайд этилган кўрсаткичлар, балки, бой берилган имкониятларни ҳам инобатга олган ҳолда қайтма алоқалар бўйича ҳам амалга оширилиши лозим [8, Б.255]. В.С. Мамонов ва В.В. Степановлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг самарадорлик даражасини аниқлашнинг формуласини таклиф қилганлар: “самарадорлик даражаси ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда олинган (аниқланган) исботлов аҳамиятга эга маълумотларнинг бу тергов ҳаракати жараёнида олиниши мумкин бўлган маълумотларга нисбати билан аниқланади” [11, Б.39]. Шунингдек, мутахассис-криминалистнинг тергов ҳаракатларидаги иштироки самарадорлигини баҳолашни миқдорий ва сифатга оид кўрсаткичлари бўйича амалга оширишни таклиф қилган В.А. Снетковнинг фикрлари тўғридир [12, Б.65-67].

Юқоридагиларга асосланниб, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизими икки хил – миқдорий ва сифат кўрсатгичларидан иборат, деб таъкидлаш мумкин.

Мезон ва кўрсаткичларнинг расмийлаштирилган ва баҳоловчи хусусиятларга бўлнишидан келиб чиқиб [6, Б.66], ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини миқдорий кўрсаткичлари расмийлаштирилган ҳисобланади ҳамда суд экспертиза муассасалари (масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистика хизмати) ҳисботларида жамланган ҳолда акс эттирилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини сифатга оид кўрсаткичлари эса баҳоловчи хусусиятга эга бўлиб, ички ишлар вазирлиги тергов ва эксперт-криминалистика хизматининг тегишли билим ва тажрибага эга бўлган ходимлари томонидан тегишли стандартлар билан солиштирилиб баҳоланади.

Миқдорий кўрсаткичлар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) суд экспертиза муассасаси ходимининг (мутахассиснинг) барча ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечиришдаги иштироки сони билан аниқланадиган иш юклamasи;

2) суд экспертиза муассасаси ходимининг жиноят иши қўзғатилган ҳолатлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечиришдаги иштироки сони билан аниқланадиган иш юклamasи; ҳодиса жойини кўзан кечиришнинг умумий сонига нисбатан фоизда ифодаланади;

3) ҳар бир ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказишда техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологияларни қўллашнинг натижавийлиги; бу кўрсаткич идентификация ва диагностика қилиш учун яроқли бўлган, шу жумладан ИИВ ЭКБМ криминалистик ҳисблари ва автоматлаштирилган базалари бўйича текширишга юборилган, тадқиқотлар ёки экспертизага тақдим қилинган излар (қўл-бармоқ, бузиш қуроллари, поайбазал (оёқ), транспорт воситалари излари, биологик излар, микро-объектлар ва ҳ.к.) олинган кўздан кечиришлар сони бўйича аниқланади; жиноят ишлари бўйича ҳодиса жойиларини кўздан кечириш сонига нисбатан фоизда ифодаланади;

4) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда техник-криминалистик ва тактик-кримналисик воситаларни қўллаш натижалардан жиноятларни тезкор тергов қилишда фойдаланиш даражаси; бу кўрсатгич жиноятларни тергов қилишга ёрдам берадиган излар (қўл-бармоқ, бузиш қуроллари, поайбаз (оёқ), транспорт воситалари излари, биологик излар, микро-объектлар ва ҳ.к.) олинган кўздан кечириш сонининг якунланган жиноят ишлар сонига нисбатан фоизда ифодаланади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини сифат

жиҳатдан баҳолаш миқдорий баҳолаш кўрсаткичларини тўлдиради, хужжатли маълумотларга (иш материалларида) асосланади ва тергов қилинаётган ҳодисанинг техник-криминалистик ва тактик-криминалистик ҳолатини, мавжуд техник-криминалистик ва тактик-криминалистик имкониятларни, бу тергов ҳаракатини ўтказиш якунлари бўйича олинган натижаларни томонлама таҳлил қилиш билан амалга оширилади [12, Б.66-67].

Сифат кўрсаткичлари мажмуасига қўйидагилар киради:

1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

2) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини аниқ тергов ҳаракати вазифаларига мувофиқлигини аниқлаш;

3) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотини техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологияларни қўллашнинг тўлиқлиги ҳамда сифатлилиги талабларига мослигини таҳлил қилиш;

4) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти ва унинг самарадорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмuinи амалга ошириш талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

5) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини баҳолаш мезонларининг юқоридаги тизими бу тергов ҳаракатининг асосий мақсадига эришишга ёрдам беради (жиноят излари ва бошқа обьектларни аниқлаш, қайд этиш, олиш); техник-криминалистик ва тактик-криминалистик технологиялардан фойдаланишининг сифати ва тўлиқлигини миқдор ва сифат кўрсаткичларни ҳисобга олиб, хулосалардаги қарама-қаршиликларни бартараф қилган ҳолда холисона баҳолаш имконини беради; муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш йўли билан мазкур тергов ҳаракати самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш ҳамда улар асосида терговчилар (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) ва мутахассислар учун ҳодиса жойини кўздан кечириш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 01.04.1995 // <https://lex.uz/docs/111460>
2. Порубов Н.И. Криминалистика: учеб. пособие / под ред. Н.И. Порубова. – Минск, 2007. – 575 с.
3. Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б.Маматкулов, Ш.Т.Джуманов, У.Т.Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 107.
4. Соловьев А.Б. Проблемы эффективности следственных действий: автореф. дис. д-ра юрид. наук: 12.00.09 / А.Б.Соловьев; Всесоюз. ин-т по изучению причин и разраб. мер предупреждения преступности. – М., 1985. – 52 с.
5. Карлов В.Я. Использование криминалистической техники в расследовании преступлений: науч.-практ. пособие. – М., 2006. – 189 с.
6. Грамович Г.И. Криминалистическая техника: научные, правовые, методологические, организационные основы. – Минск, 2004. – 214 с.
7. Москаленко А.Н. Технико-криминалистическое обеспечение раскрытия преступлений по горячим следам: дис. канд. юрид. наук: 12.00.09. – Волгоград, 2002. – 211 с.
8. Волынский В.А. Криминалистическая техника: наука–техника– общество–человек. – М., 2000. – 311 с.
9. Кутушев В.Г. Методологические проблемы оценки эффективности деятельности следственных органов // Проблемы предварительного следствия и раскрытия преступлений в деятельности органов внутренних дел: сб. науч. тр. – Хабаровск, 1989. – С.3–14.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мҳарфи./Таҳрир ҳайъати: Э.Бегматов, А.Мадвалиев,

Н.Маҳкамов, Т.Мирзаев (раҳбар), Н.Тўхлиев, Э.Умаров, Д.Худойберганова, А.Ҳожиев.  
А.Мадвалиев таҳр.ост. – Т.: “Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.  
2013. – 671 б.

11. Мамонов В.С. Осмотр места происшествия: правовые, научные основы и практика применения. – М., 2010. – 180 с.

12. Снетков В.А. Основы деятельности специалиста экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел: учеб. пособие. – М., 2001. – 72 с.